O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 18 июль, № 139 (4292) Чоршанба

# БУНЁДКОР ЁШЛАР ШИЖОАТИ



***Бугун "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл қурилишини кузатган киши борки, ҳайрати ошиб, бундай улкан бунёдкорликнинг бошида турганларга тасаннолар айтаётир. Негаки, илгари отлиқлар юра олмайдиган баланд тоғлар бағри тилиниб, чуқурликлар тўлдирилиб, пўлат излар ётқизилмоқда. Бу йўл тез орада мамлакат ободлигига, эл маъмурчилигига хизмат қилади.***



Айни пайтда **11** та қурилиш участкасида **3500** га яқин бунёдкорлар "КамАЗ", "БелАЗ" каби **170** та турли русумдаги юк машиналари, **63** та қудратли бульдозер ва **60** та экскаватор ёрдамида кунига **100** минг куб метргача ҳажмда тупроқ ишларини амалга оширяптилар.



Темир йўлнинг пўлат излари тортилган ерлардаги ишларни "Бунёдкор ёшлар — 2007" лойиҳаси бўйича жалб этилган Тошкент, Қарши, Термиз шаҳарларидаги олий таълим муассасаларининг юздан ортиқ талабалари бажардилар.

Лойиҳа талабаларни таътил даврида бўш иш ўринларига жалб этиш мақсадида "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ҳокимликлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, республика Касаба уюшмалари федерацияси ва Фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги бўлимлари томонидан мавжуд 9 мингга яқин бўш иш жойлари ва меҳнат объектлари аниқланди. Айни кунларда Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабалари "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўлининг "Деҳқонобод" бекатида ишламоқдалар.

— Институтимизнинг 50 нафар талабаси шу ерда меҳнат қиляпти, — дейди отряд раҳбари Илёсжон Холбоев. — Бу уларга йил давомида олган билимларини мустаҳкамлаш, уларни амалиётда қўллаш имконини бераётир.

**СУРАТЛАРДА:** "Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўл қурилишидан лавҳалар.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222—II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 мартда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган **«Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»**ги 222—II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6—7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) **1-иловасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **тўққизинчи хатбоши** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ахборотнинг криптографик ҳимоя воситаларини лойиҳалаштириш, тайёрлаш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш»;

2) қуйидаги мазмундаги **етмиш иккинчи** ва **етмиш учинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

Микрокредит ташкилотлари фаолияти».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 17 июль
№ ЎРҚ — 102

***Мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонасида бўлиб ўтган брифингда Бельгия ва Европа Иттифоқининг ижтимоий-сиёсий доиралари, таҳлил ва тадқиқот марказлари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияларининг вакиллари ҳамда журналистлар ҳозир бўлдилар.***

## Ўзбекистоннинг Брюсселдаги элчихонасида брифинг

Тадбир Президент Ислом Каримов раҳбарлигида республикада суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар мавзуига бағишланди.

Брифингда Президентнинг 2005 йил августида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг маъқуллангани республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАК БАҲОГА ЯРАША ИШЛАЙМИЗ

▼ Муносабат

Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига табригини катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан ўқиб чиқдим. Табрикнинг ҳар бир сатрида деҳқонларнинг фидокорона меҳнати ва миришкорлигига юксак баҳо берилганидан, айниқса, бошим кўкка етди.

Ҳақиқатан ҳам, қишлоқ хўжалигида бу улкан муваффақиятни таъминлаган омиллар ҳақида гапирганда, унинг негизида биринчи галда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий харакатлантирувчи кучи бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг эгалик ҳиссиёти, уларнинг меҳнатга, ҳаётга фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси, дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзимдан қиёс: фермер бўлгач, аввало, сарф-харажатни ҳисоб-китоб қилишни, расамади билан иш юритишни ўргандим. Натижада ширкат хўжалигида ҳар гектар ерга 1,5-2 тонна минерал ўғит сарфланиб, атиги 28-30 центнердан ғалла олинган бўлса, бу йил шунча миқдордаги ўғитнинг ярмини ишлатиб, ҳосилдорликни 65 центнерга етказдим.

Қолаверса, ширкат даврида ҳам ғалла етиштирардигу, аммо унинг ҳосилидан ўзимиз баҳраманд бўлмасдик. Ҳозир-чи?

Фермер хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси рўзғорига жорий йилги ҳосилдан 2-3 тоннадан дон тушди. Бу ҳақиқий манфаатдорлик эмасми?!

Давлатимиз раҳбарининг табриги бизни руҳлантириб юборди, кучимизга куч қўшди, эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлади. Бу ғайрат ва ишонч эса юртимизни янада обод қилиш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга омил бўлади.

**Мукаррамхон АҲМЕДОВА,**
**Охунбобоев туманидаги «Қумтепа маликаси» фермер хўжалигининг раҳбари.**

## Қувончимиз чексиз

Мамлакатимиз Президентининг юртимиз ғаллакорларига йўллаган табригини хўжалигимиз аъзолари билан ўқиб чиқиб, қалбимиз фахр-ифтихор ҳиссига тўлди. Табрикда юқори ҳосилдорликка эришган туманлар қаторида Вобкентимиз ҳам тилга олингани, айниқса, кучимизга-куч қўшиб, руҳимизни кўтариб юборди.

Жорий йилда ўн бир гектар ерга ғалла уруғи сепгандик. Якунда ҳар гектар ердан 65 центнердан дон олиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажардик. Ортиқчаси ихтиёримизда қолди. Бу — хўжалигимиз аъзоларининг насибаси.

Мулкдор бўлиб, эл-юртга нафимиз тегаётганидан хурсандмиз. Зеро, табрикда таъкидланганидек, биз, фермерлар эришаётган муваффақият эл-юрт дастурхонини ноз-неъматга тўлдириб, эртанги кунга ишончни мустаҳкамламоқда.

**Ашраф МИРЗАЕВ,**
**Вобкент туманидаги «Оқработ» фермер хўжалиги раҳбари.**



# МАҚСАД — АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

***Ижтимоий ҳимоя йилининг биринчи ярми ҳам ортда қолди. Шу кунларда барча меҳнат жамоаларида, турли миқёсдаги ҳудудлар ва соҳаларда босиб ўтилган йўлга назар ташланяпти, бундан буён амалга оширилиши керак бўлган вазифалар аниқлаб олинмоқда. Хўш, мамлакатимиз ижтимоий муҳофаза тизимида ўтган ярим йил мобайнида қандай натижаларга эришилди? Бу борада аввалги йиллардан фарқли равишда қанақа янгиликлар содир бўлди? Мухбиримиз шу ва шунга ўхшаш саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чора-тадбирлари мониторинги ва таҳлили бошқармаси бошлиғи Алишер ИНОҚОВга мурожаат қилди.***

▼ Давлат дастури амалда

**— Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоянинг ҳуқуқий пойдевори ҳамда унинг изчил механизмлари яратилган. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурини рўёбга чиқариш йўлида қандай устуворликларга эътибор беріляпти?**

— Олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг инсон ва унинг манфаатлари учун йўналтирилганлиги, «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар орқали фуқароларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун шарт-шароитлар ва имкониятларни муттасил кенгайтириш борасида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотлар нафақат шаҳар ва туманларда, айни пайтда олис қишлоқ ва овулларда яшаётган аҳоли томонидан ҳам кўтаринки руҳ билан кутиб олинмоқда. Вазирлигимиз тизимида жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида дастурда белгиланган тадбирларнинг барчаси амалга оширилди. Чунончи, "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси алоқадор вазирлик ва ташкилотларнинг таклифлари асосида қайтадан ишлаб чиқилди. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар тегишли вазирлик ва идоралар таклифлари асосида қайта кўриб чиқилди, яқинда Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Ўтган олти ой мобайнида аҳолининг заиф қатламларидан ногиронларни уй меҳнати асосида иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида 1520 та ва касаначилик асосида 529 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 844 нафар ногирон корхоналар томонидан яратилган иш жойларининг энг кам миқдори (квоталанган) иш ўринларига ишга жойлаштирилди. Ҳисобот даврида

(Давоми 2-бетда).

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

## Коллежда кончилар тайёрланади

Хонжиза — хазина тоғ. Хазиналари ҳам антиқа — кумуш, мис, қўрғошин, рух сингари рангли металлардан иборат. Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиб, фойдаланишга топширилгач, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу қимматбаҳо бойликларни қайта ишлашга киришилади. Пировардида эса Хонжизада 2,5-3 минг киши ишлайдиган ярим металл ашёлари фабрикаси бунёд этилади.

Шундан келиб чиқиб, Шарғун (Сариосиё)даги саноат қурилиш касб-ҳунар коллежида 2007-2008 ўқув йилидан янги ихтисослик — кончилар тайёрлаш гуруҳлари очилади. Айни вақтда янги гуруҳларга асосан Хонжиза, Нилу ва Сангардак қишлоқлари мактабларининг 9-синфни битирган ёшлари жалб этилмоқда.

**О. УСАНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

***"Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан республикамиз бўйлаб Йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигининг олдини олиш мавзуида акция уюштирилди.***

## Соғлиғимиз ўз қўлимизда

Тадбир доирасида барча вилоятлардаги мактаблар, коллеж ва лицейлар, маҳаллаларда йод танқислиги ва темир моддаси етишмовчилигини олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Унинг якуний босқичи пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилди. Ёшлар ўртасида викториналар бўлиб ўтди, ғолибларга совғалар тақдим этилди. Акцияда мамлакатимиз бўйича 20 мингга яқин ёшлар иштирок этди.

**Юлдуз РИЗАЕВА.**

## Ўзбек тележурналистлари Туркияда

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг бир гуруҳ ходимлари айни пайтда Туркия телерадиокорпорациясида («TRT») тажриба алмашиш курсларида иштирок этмоқда. Улар халқаро Ернинг сунъий йўлдоши ва кабель алоқаси оператори — «Турксат» компанияси иши билан танишдилар. Бу ерда уларга мазкур компаниянинг фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди. «Турксат» раҳбарларидан бири Аднан Зелик билан бўлиб ўтган учрашув чоғида, у компаниялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, хусусан, ўзаро тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали бўлишини қайд этди.

Таъкидлаш керакки, «Uzbekiston» телеканали ўтган йилнинг декабрь ойидан бошлаб ўз кўрсатувларини кечаю кундуз намойиш этишни бошлади. «Экспресс-АМ1» сунъий йўлдоши бу кўрсатувларни Европа, Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Хитой ва Монголия ҳудудларига етказиб бермоқда. Бундан ташқари, мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «TRT» ва «Турксат» билан ҳамкорликда мамлакатимизда кенг нишонланадиган Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамлари шодиёналарини ҳамда халқаро аҳамиятга молик бошқа воқеаларни қолган минтақаларга тўғридан-тўғри трансляция қилиб келмоқда.

**Ю. БЎРОНОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

## Бевосита мулоқот

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий ва маърифий алоқалар жамиятлари Кенгашида Мисрнинг Ўзбекистондаги элчиси Надиа Каффафи билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида элчи марказ ва унинг таркибидаги жамиятлар фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, у эҳромлар мамлакатида марказнинг турдош бўлими — "Миср-Ўзбекистон" дўстлик жамияти Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ҳамда санъати тарғиботи билан шуғулланиши ҳақида гапирди.

**М. ХОЛМАТОВА.**

# ОМОНАТЧИ МАНФААТИ УСТУВОР

**Бозор иқтисодиёти шароитида барқарор ва самарали фаолият кўрсатувчи банк тизимини яратиш масаласи мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ ҳукумат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилаб олинди. Натижада, иқтисодиётимизнинг бошқа жабҳаларида бўлгани каби, банк соҳасида ҳам катта ижобий ютуқларга эришилмоқда. Ҳукуматимиз ва Марказий банк томонидан амалга оширилаётган амалий чора-тадбирлар натижасида эса, ҳозирги кунга келиб, жаҳон андозаларига мос икки поғонали мустақил банк тизими тўлиқ шаклланди.**

Албатта, Президентимиз таъкидлаганларидек, одамларнинг банкларга бўлган ишончи ошиши, уларга ишончли хамкор сифатида қараши, кўп жиҳатдан, ўзларининг исталган банкларга қўйилган омонатларининг бус-бутун сақланиши ва ундан чекловларсиз ихтиёрий равишда фойдалана олишларига боғлиқ.

Одатда, барча хўжалик юритувчи субъектлар сингари, банклар ҳам ўзининг тижорат фаолиятини таъминлаб бориш учун, албатта, ўз маблағлари билан бир қаторда, аҳолидан жалб қилинган маблағлардан кенг фойдаланадилар. Агар ҳар бир шахс банкка қўйган маблағининг бут сақланишига, ўз вақтида қайтарилишига ва уларга тўланадиган фоизларнинг барқарор бўлишига, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ ҳар қандай маълумотлар сир сақланишига қанчалик ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга ва шунинг эвазига қўшимча даромад олишга мойиллиги шу даражада кучайиши турган гап. Шу боис, банклар учун, биринчи галда, ўз мижозларининг ишончини қозониш, уларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Ана шу вазифалар ва меъёрлар қарор топган жойда мижоз манфаати, банк муассасасига мурожаат этувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истаги тўла қаноатлантирилади. Қаноат ва қониқиш ортдими, ишонч кафолатландими, демак, банкка ташриф буюрувчилар, бўш маблағларини ҳеч бир шубҳасиз ишониб топширадиганлар сафи кенгаяди. Натижада, банк ресурслари ҳажми кўпаяди. Бу эса қўшимча пул маблағларини эҳтиёж мавжуд бўлган иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш имкониятларини яратади.

Халқимиз "Тома-тома кўл бўлур", деган нақлни бежиз айтмаган. Шу маънода, омонатчи томонидан банкка қўйилган ҳар бир сўм жамлана бориб, реал инвестиция сифатида иқтисодиётимиз тараққиётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши муқаррардир.

Шундай экан, банк ресурслари ичида мамлакатимизда яшовчи аҳоли депозит маблағларининг бошқа давлатлардан жалб этилган маблағлардан иқтисодий жиҳатдан афзал эканлигини англаб етишимиз даркор. Гап шундаки, банк томонидан хориж маблағлари учун тўланадиган фоиз даромадлари пул эгасининг даромади сифатида мамлакат ташқарисига чиқиб кетади, яъни давлатимиз учун ўз аҳамиятини йўқотади. Республикамиз аҳолисидан жалб қилинган депозитларга тўланган фоизли даромадлар эса мамлакат иқтисодиётида самара беришда давом этади. Аҳоли инвестицион фаоллигининг ошиши, ўз навбатида, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмаси қисқариши, пировардида, макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлашуви, халқ турмуш даражаси фаровонлигига олиб келади. Бу эса жамиятда аҳолининг бош сармоядор эканлигини яна бир бор исботлайди.

Бугунги кунда банкларнинг жойлардаги филиаллари ва мини банклари сони, шунингдек, банк хизматлари турлари кўпаймоқда. Буларнинг ҳаммаси юртимизнинг олис туманларида истиқомат қилувчи аҳолининг узоғини яқин қилишга, уларнинг банк хизматларига бўлган талабларининг тезкор ва сифатли қондирилишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, банк ходимлари ҳам муассасага ташриф буюрган ҳар бир мижозга хушмуомалалик билан, унинг хоҳиш-истагини англаб етган ҳолда, зукколик ва тезкорлик билан юқори савияли банк хизмати кўрсатишга интилмоқда.

Гап фуқаролар омонатларини кафолатлаш тизимини жорий этиш ҳақида боракан, мамлакатимизда бу борада мустаҳкам механизм яратилгани, унинг қонуний асослари ишлаб чиқилиб, амалиётда қўлланилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, республикамизда "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонун ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилар қаторида қабул қилинди. Шу ҳуқуқий ҳужжат асосида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилди.

- Фондни тузишдан асосий мақсад аҳолининг молия муассасаларидаги омонатларининг бут сақланишини кафолатлаш, бошқача қилиб айтганда, уларнинг банкка ишониб топширган маблағларини қўшимча фоиз даромадлари билан сўзсиз қайтарилишини таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимизда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизимининг эътиборли жиҳатларидан бири бу — омонатларнинг ҳар қандай ҳолатда ҳам эгасига қайтарилиши давлат томонидан кафолатланганлиги, яъни уларнинг манфаати давлат ҳимоясида эканлигидадир. Мазкур Фонд ташкил этилгандан буён ўтган вақт ичида омонатчиларнинг банкка ишониб топширган пул маблағлари миқдори қарийб 4,6 баробар ортди.

### Жараён

Айни чоғда аҳолининг банк омонатларига жалб қилинган маблағларининг декларация қилинмаслиги, омонатлар бўйича олинган фоиз даромадлари солиққа тортилмаслиги, аҳолининг банклардаги маблағлари бўйича маълумотларнинг сир сақланиши ҳамда миллий валютамизда сақланадиган омонатларга банклар томонидан тўланадиган фоизларнинг юқорилиги мижозларга мумкин қадар қулайликлар яратилишини кўзда тутади.

Бир мисол. Охирги йилларда мамлакатимизда инфляция даражаси 6-7 фоиз атрофида бўлган бир пайтда банклар томонидан аҳолининг миллий валютамиз — сўмдаги муддатли ва жамғарма омонатлари бўйича тўлаётган ўртача фоиз ставкалари 16-18 фоизни ташкил этмоқда. Натижада, ўзининг бўш пул маблағларини "ёстиқ остида" эмас, балки банкда сақлаган омонатчилар сезиларли даражада фойда олиш имконига эга бўлмоқдалар.

Банк ўз активларини тўғри ва самарали бошқариш билан бирга, омонатни қайтариш учун маълум миқдорда нақд пул захирасига эга бўлиши талаб этилади. Президентимиз томонидан қабул қилинган "Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги қарор айнан нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пулларни уларнинг биринчи талабидаёқ кечиктирмай берилишини таъминлаш мақсадларини кўзда тутиши билан аҳамиятлидир. Мазкур қарорда тижорат банклари бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талабнинг тезкорлик билан тўлдирилиши ва мижозларнинг буюртмалари биринчи талабидаёқ қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захиралари яратилиши лозимлиги белгиланган.

Ушбу захиралар, энг аввало, банк омонатчиларининг нақд пулга бўлган талабларини биринчи талабдаёқ қондиришга йўналтирилади.

Жаҳон банкчилик тажрибасидан маълумки, барча хўжалик юритувчи субъектларида бўлганидек, банклар фаолияти ҳам тижорат таваккалчилиги билан боғлиқ. Улар ҳам ўз фаолиятлари давомида иқтисодий қийинчиликларга дуч келишлари, ҳамкорлари ёхуд мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмай қолишлари мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

Хабарингиз бор, ўтган асрнинг 90-йиллари охирида дунёдаги бир қатор мамлакатлар, жумладан, Россияда бўлган молиявий инқирозлар натижасида минглаб банк омонатчилари ўз маблағларидан ажралиб қолдилар. Афсуски, шу кунга қадар ушбу муаммолар ҳамон ўз ечимини топмаган. Бизнинг мамлакатимизда эса, мустақилликка эришилган йиллардан буён ўндан ортиқ нософлом фаолият юритган банклар тугатилган бўлса-да, бирон-бир омонатчи ёки банк мижози ўз пул маблағларидан ажралиб қолишгани йўқ. Бу самарали ташкил этилган банк назорати банк акциядорлари, аҳоли ва мижозларнинг нафақат бир банк, балки бутун банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда, шу билан бирга, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эгалигини яна бир карра тасдиқлайди.

Дарҳақиқат, самарали банк назоратини ташкил қилмасдан туриб, банк тизимини иқтисодий ислоҳотларнинг локомотиви даражасида шакллантириш мумкин эмаслиги жаҳон амалиётида аллақачон исботланган.

Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири бўлмиш назорат функциясини амалга ошириши банк-молия тизими барқарорлигини сақлаб туриш ва албатта, банкка ишониб топширилган пул маблағларининг бут сақланишини таъминлаш каби мақсадларга қаратилган.

Айтиш жоизки, самарали банк назоратини ташкил этишда банклар учун мажбурий бўлган банк амалиётларини бажаришга оид қонун ва тартиблар, иқтисодий меъёрлар белгиланган. Айниқса, тижорат банклари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган банкнинг мижоз олдидаги ўз мажбуриятларини бажара олмаслик каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда банк назорати таъсирчанлиги муҳим аҳамият касб этади.

Банк тизимини эркинлаштириш, иқтисодий ислоҳотлар самарасини янада ошириш мақсадида Марказий банк томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва самарали банк назорати ишлари халқаро андозаларга мос равишда олиб борилмоқда. Тижорат банкларининг ички фаолиятига аралашмасдан туриб, уларда аҳоли омонатларининг бут сақланиши устидан кунлик мониторинг олиб борилиши нафақат омонатчилар манфаатининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, балки бутун банк тизими барқарорлигини сақлаш юзасидан таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

**Ҳусан ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини инспекция қилиш департаменти директори.**

# «Хизмат»дан эл мамнун

***Шўрчи туманидаги металлга безак бериш билан шуғулланган «Хизмат» хусусий корхонаси эндиликда мактабларни капитал реконструкциядан чиқармоқда, коллежлар қурмоқда, қишлоқларни ободонлаштирмоқда.***

Йўлдош Маматқўзиев бошлиқ бу корхона болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 17 миллион сўмлик маблағ ажратганига кўп бўлгани йўқ. Унинг навбатдаги муруввати ҳам болаларга қаратилди. Тумандаги 68- ва 122-махсус интернат-мактаблари учун иккита рангли телевизор,

### Ҳиммат

бошқа кўркам жиҳозлар ҳадя қилди.

Энди бу корхона Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, қишлоқларда шинам уй-жойлар қуришни ҳам режалаштирмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

**кўчар ва кўчмас мулк, товар — хом ашё ресурслари бўйича биржа, аукцион ва танлов савдоларини ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази Тошкент вилояти филиали очилганлигини маълум қилади.**

*Юқори малакали мутахассислар ҳамда махсус шаҳодатномага эга бўлган брокерлар сизга ўз хизматларини энг юксак даражада кўрсатишга тайёрдирлар.*

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-93, 138-69-70 (мўлжал: Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати).**

*Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ Тошкент вилояти филиалига хуш келибсиз!*

# Диққат! Аукцион савдоси!

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор сармоядорлар! Сотиб олинг ва эгалик қилинг!*

**Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2006 йил 26 декабрдаги 15-0501/8358-сонли ҳал қилув қарорига асосан «Буюк ипак йўли» АЖ банкрот деб эътироф этилган.**

«Буюк ипак йўли» АЖ кредиторлар қўмитасининг 2007 йил 16 июлдаги 8-сонли йиғилиши қарорига асосан савдога қўйилган, Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 139-уй манзилидаги 6,7 гектар ер майдонида жойлашган кўчмас мулк мажмуаси мужассам ҳолда 2007 йил 17 август куни соат 11.00 да Фарғона шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уйда аукцион комиссияси иштирокида объектларнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига чиқарилади.

«Буюк ипак йўли» АЖ мол-мулки мулкий мажмуа сифатида (хом ипак ишлаб чиқаришга мослашган, коммунал шароити мавжуд).

*Бошланғич баҳоси — 2 025 000 000*
*(икки миллиард йигирма беш миллион) сўм.*

**Аукцион савдоси шартлари**

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «KAFOLAT RIELT» МЧЖ. Ариза қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган кундан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосига ўз вақтида ариза берган ҳамда сотилаётган объектлар дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини тўлаган жисмоний ва юридик шахслар киритилади. Аукцион савдосида қатнашиб, ғолиб чиққан харидорлар объектлар учун тўловларни Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни ва банкротликка оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширадилар.

**Савдода қатнашиш учун керакли ҳужжатлар:**

1. *Жисмоний шахслар учун: паспорт ва 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (квитанция).*
2. *Юридик шахслар учун: корхона ёки фирма низоми, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясининг гувоҳномаси ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳокимлик қарори, савдода қатнашувчи шахс (ишончли вакил) паспорти ва 10 фоиз закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (тўлов топшириқномаси). Аукционга корхона ёки фирма раҳбари ўрнига унинг ходими қатнашадиган ҳолларда ходим белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома орқали савдода иштирок этади.*

*Банк реквизитлари: «KAFOLAT RIELT» МЧЖ Фарғона филиали, Ўзбекистон Республикаси ТИФ МБ Фарғона бўлимидаги МФО 00493, ИНН 205669645, ОКОНХ 84200, ҳ/р 22622000804406764001.*

**Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-«А» уй. Телефон: 226-45-48.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

# «Крокус Газ Сервис» ҚК

**(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**



**Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.**

**Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.**

**Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Россияда ишлаб чиқарилган**

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**



**замонавий электрон газ ўлчагичлари.**

**Ўлчаш диапазонлари:**
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

**Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.**

**Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.**

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Ироқда қонли терактлар

***Ироқ шимолидаги Киркук шаҳрида икки автомобилга жойлаштирилган бомбаларнинг портлаши оқибатида 85 киши ҳалок бўлди.***

Биринчи машинадаги бомба Курдистон ватанпарварлар иттифоқи партияси биноси ёнида ҳаракатга келтирилган. Иккита бино буткул вайронага айланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, иккинчи автомобиль Хасир бозорида портлади.

### Кимга хавф, кимга қалқон

***Россия томонининг эътирозларига қарамасдан, Америка ракета ҳужумига қарши муҳофаза тизими Польшага ўрнатилади.***



Польша Президенти Лех Качиньский Оқ уй раҳбари Жорж Буш билан учрашгандан сўнг бу ҳақда баёнот берди. Икки давлат раҳбари учрашувидан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Жорж Буш ушбу тизим Европа хавфсизлигини таъминлашга катта ёрдам беришини таъкидлади.

### Бахтиёрлар мамлакати

***Исландия ўз аҳолисининг узоқ ва бахтли умр кечиришини таъминлаб бера олаётган Европа давлатлари рўйхатида биринчи ўринни эгаллади.***

«New Economics Foundation» экспертлари ўтказган сўровномада мамлакатнинг атмосферага чиқинди газларни чиқариш миқдори, аҳолининг ўртача умр кўриши ва ҳар бир фуқаро ўз ҳаётидан нечоғли мамнунлиги асосий мезон қилиб олинди.

Рўйхатда Швеция иккинчи, Норвегия учинчи ўринни эгаллади.

### Тақчиллик тахмин қилиняпти



***Яқин 25 йил давомида дунёда нефть ва табиий газ тақчиллиги юзага келади.***

Американинг «National Petroleum Council» компанияси мутахассислари томонидан тайёрланган махсус маърузада шундай хулосага келинган. Унда таъкидланишича, бунга Хитой ва Ҳиндистонда нефть маҳсулотларига бўлган талабнинг ҳаддан ташқари ошиши сабаб бўлаяпти. Айни пайтда, дунёда кунига ўртача 84 миллион баррель нефть истеъмол этилаяпти. 2030 йилда бу кўрсаткич 120 миллион баррелга етиши тахмин қилинмоқда.

### Бомба йўқ экан

Германиянинг Ульм шаҳридаги ҳарбий госпиталдан беморлар зудлик билан эвакуация қилинди. Сабаби, номаълум киши госпиталга қўнғироқ қилиб, муассасага еттита бомба жойлаштирилганини айтган. Лекин текшириб кўрилгандан сўнг, бу шунчаки телефон орқали таҳдид эканлиги маълум бўлди.



### Лойиҳани тайёрлашда иштирок этмайди

Россиянинг БМТдаги доимий вакили Виталий Чуркиннинг таъкидлашича, расмий Москва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Косово масаласида тайёрланаётган янги резолюция лойиҳасида иштирок этмайди. Дипломатнинг тушунтиришича, Россия томони Косовога мухторият бериш орқали минтақадаги вазиятнинг ўнгланишига ишонмайди. Қабул қилинган резолюция Косовога амалда мустақиллик бериб, бу ердаги қочқинлар аҳволини янада оғирлаштиради.

Дипломат бу масалани ҳал қилишда расмий Белград нуқтаи назарини ҳам инобатга олиш лозимлигини таъкидлади.

### Муҳокамага муҳтож масала

АҚШ Президенти Жорж Буш Фаластин ва Исроил ўртасидаги музокараларни қайта тиклаш масаласи халқаро миқёсда муҳокама қилиниши лозимлигини таъкидлади. У Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос ҳукуматини қўллаб-қувватлаш мақсадида 190 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йил охиригача ажратилишини билдирди. Бушнинг фикрича, БМТ, ЕИ, Россия ва АҚШ минтақадаги вазиятни яхшилашда асосий ролни ўйнайди.

### Темир йўл ҳам давлат ихтиёрига ўтади

**Боливия Президенти Эво Моралес мамлакатдаги темир йўл тармоғини давлат ихтиёрига ўтказиш режалаштирилаётганини маълум қилди. Ўтган йил охирида мамлакат раҳбари ташаббуси билан нефть ва газ соҳасидаги компаниялар мусодара қилинганди. Шундан сўнг нефть ва газ сотиш бўйича 44 та шартнома имзоланди. Бу эса мамлакатга 2 миллиард долларга яқин маблағ келтиради.**

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

***Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига алоҳида тўхталиб, «Энг устувор муҳим масала бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ички бозоримизни зарур маҳсулотлар билан тўлдиришда, кескин рақобат муҳитига қарамасдан, жаҳон бозорига миллий маҳсулотларимизнинг чиқарилишида, янги иш ўринлари яратилишида улар муҳим аҳамият касб этади. Биргина ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кенг ривожланиши натижасида қўшимча 290 мингта янги иш ўрни очилди. Бу 2006 йилда мамлакатимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярмидан кўпроғига тенгдир.***




# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ СИНАЛГАН ҲАМКОРИ

Кўплаб юртдошларимизга ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиб олишларида банклар томонидан имтиёзли равишда ажратилаётган кредитларнинг ўрни катталигини айтмаса ҳам бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожида Ўзбекистон Республикаси Ташқи фаолият миллий банкининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Буни банк томонидан амалга оширилаётган ишлар — кўрсатилаётган хизмат турлари, тадбиркорлар учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар яққол исботлаб турибди. Хусусан, Миллий банк кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 июлига қадар барча маблағлар ҳисобидан жами 154,5 млрд. сўм миқдорида кредит ажратди. Шундан 93,8 млрд. сўми (йиллик 98,0%) банкнинг ўз маблағлари ҳисобига, 60,7 млрд. сўми бошқа жамғармалар маблағлари ҳисобига тўғри келди. Ушбу кўрсаткичлар эса 2006 йил 1 июль ҳолатига нисбатан 60,5 млрд. сўмга (ўсиш 164,4%) кўпдир. Буни қуйидаги диаграммадан ҳам кўриш мумкин:

**«Ўзмиллийбанк» томонидан кичик бизнес субъектларига 2004 — 2006 йиллар ва 2007 йилнинг ярим йиллигида ажратилган кредитларнинг солиштирма жадвали.**




## Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

— Тадбиркор учун унинг ҳамкорлари ишончли бўлиши керак, — дейди пойтахтлик ишбилармон, «Пластекс» хусусий фирмаси раҳбари Кан Дмитрий. — Миллий банк мамлакатимиздаги энг ишончли банклардан. Ушбу молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган хизматдан ҳамма мамнун. Мен ҳам шу банкнинг мижозига айланиб, хато қилмаган эканман. Ишлаб чиқаришимни кенгайтириш мақсадида кредит олиш учун мурожаат қилгандим. Банк мутахассислари фирмам имкониятларини ўрганиб чиқиб, 3 миллиард сўмлик кредит ажратди. Бу маблағга Люксембургнинг «HUSKY» компаниясидан «ПЭТ – преформа» ва «ПЭТ – преформа»лар учун қопқоқлар ишлаб чиқарадиган технологик асбоб-ускуналарини сотиб олдик. Натижада, ишимиз юришиб, ишчиларимиз сони ҳам кўпайди.

